# ШАРОН ДУНЁ ЕТАКЧИЛАРИ НИГОҲИДА



Япониядан тортиб Атлантикагача бўлган давлатлар етакчилари оғир касалликка дучор бўлган Исроил бош вазири Ариэль Шарон ҳақида ўз фикрларини билдиришмоқда.

Рим Папаси Бенедикт XVI Исроилда тинчлик ҳукм суриши учун дуо қилаётганини билдирди. Шароннинг соғлиги ёмонлашиши унинг давлат раҳбариятига қайта олмаслигига омил бўлиши мумкин. Бу эса кўпларда минтақадаги тинчлик жараёни борасидаги хавотир уйғота бошлади.

Унинг ўтмишдаги сиёсий қаттиқўллиғига қарамай, охирги пайтда Шароннинг мавқеи анча ошди. Бу асосан яҳудийлар турар-жойларининг Ғазо минтақасидан кўчирилиши билан боғлиқ.

Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро Шароннни «нафақат Исроил, балки минтақанинг кўзга кўринган арбобларидан бири», дея атади. Унинг айтишича, Шароннинг Фаластин — Исроил зиддиятларини бартараф этишдаги уринишлари унинг ҳурматини оширди.

Швеция ташқи ишлар вазири Лайла Фрейвальдс Швеция ҳукумати Шароннинг соғлиги ёмонлашгани борасидаги хабарлардан «афсусда» эканлигини маълум қилди. — Шарон бугун энг муҳим шахслардан бири. Айниқса, Яқин Шарқдаги зиддиятларни ҳал қилиш борасида, — деди вазир.

Бу гаплар Исроил етакчиси шаънига 2001 йил, яъни у мамлакат бош вазири лавозимини эгаллаган пайтда айтилган танқидий фикрлардан анча фарқ қилади. Унинг «қирғий» генерал лақабини олгани ва 1982 йилда Ливанга бостириб киришдаги фаоллиги «зиддиятларни ҳал қилишда Шарон фақат тўсқинлик қилиши мумкин» деган фикрлар туғилишига асос бўлганди.

Араб оммавий ахборот воситалари эса бу борада шарҳлар бермаса-да, Исроил етакчиси соғлиги ҳақидаги батафсил маълумотларни эълон қилиб турибди.

Фаластинлик шарҳловчи Ғози Ал-Саади Шарон «Фаластиннинг барча ерларига Исроилнинг ҳаққи борлиги ҳақида баёнот бермаган биринчи етакчи бўлгани»ни айтди. — Бизга қарши амалга оширган жиноятларига қарамай Шарон — бугун фаластинликлар учун керак одам, — деди Саади.

Япония бош вазири Дзюнъитиро Коидзуми Исроилга режалаштирган ташрифини бекор қилди. У Шароннинг соғлиги ёмонлашгани Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнига таъсир қилиши мумкинлигини билдирди. — Яқин Шарқдаги тинчлик жараёни бутун дунёга таъсир қилади, — деди бош вазир.

Исроил бош вазирининг касаллик хуружи Европа ва Исроил ўртасидаги алоқалар эндигина яхшиланиб бораётган даврга тўғри келиб қолди. Бунга 2005 йилда имзоланган шартнома мисол бўлиши мумкин. Шартномага кўра, Шарон европалик кузатувчилар Миср ва Ғазо минтақаси чегарасига қўйилишига рози бўлган. Бу ЕИнинг минтақадаги хавфсизликни таъминлашдаги биринчи миссияси эди.

— Бу одамийлик нуқтаи назаридан жуда аянчли хабар бўлса, сиёсий жиҳатдан жуда хунук хабардир, — деди Италия бош вазири Сильвио Берлускони етакчи борасида фикр билдираркан.

Франция президенти Жак Ширак, Германия канцлери Ангела Меркель ва Россия президенти Владимир Путин Шаронга тезроқ соғайиб кетишини тилаб нома юборишди.

**Хуршид РАУПОВ**

XORIJDA

✓ АҚШ

Калифорния губернатори Арнольд Шварценеггер ва унинг 12 ёшли ўғли йўл-транспорт ҳодисаси туфайли жароҳат олишди.

Губернатор расмий вакилининг айтишича, Шварценеггер ўғли билан миниб кетаётган «Harley Davidson» мотоцикли кутилмаганда пайдо бўлиб қолган бошқа мотоцикл билан тўқнашиб кетган.

Санта-Моника касалхонасида Шварценеггернинг юзи ўн беш жойдан тикилди. Унинг ўғли деярли шикастланмаган.



**Мамлакатимизда мулкни хусусийлаштириш жараёнида Республика Кўчмас мулк биржасининг (РКМБ) ҳам ўз ўрни бор. Мазкур биржанинг якунланган йилдаги фаолияти тўғрисида унинг бошқаруви раиси Абдуваҳоб ИМОМАЛИЕВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодий соҳада эришилаётган улкан ютуқлар биржаларда савдо ҳажмининг кескин ошишига самарали таъсир этаётир. 2005 йили биржа тизимида 49,6 миллиард сўмлик 21 мингдан ортиқ мулк савдоси бўлиб ўтди. Бу 2004 йилга нисбатан 42,5 фоиз кўп демакдир. Шунингдек, умумий савдо ҳажмида давлат объектлари улуши 19 миллиард сўмни, иккиламчи бозор, яъни нодавлат мулклар салмоғи эса қарийб 30,6 миллиард сўмни ташкил этди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш борасида ҳам биржамизда муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг ваколатли агенти — «Давинком» давлат инвестиция фирмаси корхоналар, объектлар, улушлар ва мол-мулкларни биржа савдоларига белгиланган тартибда чиқармоқда. Агар бир ойдан зиёд вақт мобайнида бундай мулкларга харидор талаби бўлмаса, ҳар бир савдо сессиясида унинг бошланғич баҳосига нисбатан беш фоиздан босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланиляпти. Натижада ана шу усул билан 574 мулкни 6,8 миллиард сўмдан зиёдга сотишга эришдик.

Президентимизнинг 2005 йил 14 мартда қабул қилган «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорида республикамиздаги мингдан зиёд корхона ва объектнинг биржамиз орқали сотилиши белгилаб берилган эди. Муассасамиз томонидан якунланган йилда режалаштирилган 485 ўрнига 555 объект сотилди. Уларнинг савдо ҳажми 11,3 миллиард сўмга тенг бўлди.

Биржамиз ташкил этилган даврдан буён савдо тизими дастурлари оддий, ишончли, икки мартага кўпайди.

Шунингдек, ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи пайшанба кунлари «Брокерлар соати» олиб борилмоқда. Бу брокерларнинг биржа савдоси листингига киритилган мулклар бўйича ўзаро ахборот алмашиши учун қулай имкониятдир.

Савдо натижалари юзасидан турли саволлар юзага келиши мумкинлиги ҳамда уларни ўз вақтида ҳаққоний ҳал этишни назарда тутиб, МДҲ давлатлари орасида илк бора юртимизда биржада электрон галланмаган объектларга ҳам талаб унчалик юқори эмас. Уларнинг маҳсулотига на ички ва на ташқи бозорда эҳтиёж катта бўлмаса, баҳони бундай мулкка қачонлардир сарфланган харажатларга таянган ҳолда белгилаш ўринли бўладими? Йўқ, албатта.

**— Кўчмас мулк бозорини янада ривожлантириш учун яна нималар қилиш зарур, деб ҳисоблайсиз?**

— Албатта, ҳали барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Мам-

## МУЛК ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИНИ ТОПМОҚДА

биржа аъзолари ҳамда харидорларга тушунарли ва қулай бўлишига интилиб келамиз. Чунки савдонинг ошкора ўтиши нархларнинг эркин шаклланишига, бу эса мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топишига хизмат қилади. Биржа сотувчи томонда ҳам, олувчи - харидор томонда ҳам бўлиши мумкин эмас. У холис савдо ташкил этиладиган жойдир.

Ҳозир Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари ўтказилаётган марказлашган электрон биржа савдоларида бир пайтнинг ўзида ўн олти савдо майдончаси иштирок этмоқда. Дейлик, Андижон вилоятининг олис туманида жойлашган бирор объектни сотиб олиш истагини билдирган Қорақалпоғистондаги тадбиркор ўз мақсадига шу жойнинг ўзида туриб эришиши мумкин.

Биржамиз тизимидаги 215 брокерлик идорасининг икки юз эллик нафардан зиёд юқори малакали брокери тенг шароитда мижозларга хизмат кўрсатиб келяпти. Ваҳоланки, ўтган йилнинг 1 апрель ҳолатида 110 брокерлик идораси ишлаётган эди. Қисқа вақт ичида уларнинг сони қарийб кўринишдаги савдоларни уч йилгача архивда сақлаш ишлари йўлга қўйилди.

**— Савдога қўйилаётган барча давлат объектларининг ҳам баҳоси бозор коньюктураси талабларига жавоб беради, деб бўлмайди. Шу боис улар савдога чиқарилганидан сўнг ойлаб, ҳатто йиллаб сотилмай қолаётир. Бунинг сабаби нимада?**

— Баҳолаш компаниялари мулкка баҳо беришда унинг тикланиш қийматидан кўра, келгусида тадбиркор учун нечоғли даромад, фойда бера олишига ҳам жиддий эътибор қаратишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Масалан, автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи шохобча аҳоли гавжум ва серқатнов йўллардан олислаб бориши билан унинг самарадорлиги камайиб боради. Аммо ушбу жиҳат ҳамма пайт ҳам баҳолаш ишларида ҳисобга олинавермайди. Натижада бу ҳолат ана шундай мулкларнинг савдода узоқ муддат сотилмай, бесамар қолиб кетишига олиб келиши мумкин.

Айрим катта-кичик қурилиш ташкилотлари, темир-бетон заводлари ёки қурилиши ту-

лакатимиз Кўчмас мулк бозорида риэлтерлик фаолияти ҳали тўла йўлга қўйилмаган. Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, риэлтерлар фойда олиш мақсадида кўчмас мулкни биржадан сотиб олади. Бозор талабларидан келиб чиқиб уни бошқаради — объектда таъмирлаш, қайта қуриш ишларини олиб боради, юридик ва жисмоний шахсларга ижарага беради. Мулкка харидорларни жалб этиш учун реклама-ахборот ишларини ташкил этади. Савдодан сўнг эса тегишли мижозга янада қулайлик туғдириш учун мулк ҳужжатларини расмийлаштириш каби хизматларни ҳам кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, биржа тизимида риэлтерлик фаолияти муайян бир касб тури сифатида намоён бўлади.

Айни пайтда «Рэлтерлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўрилаётгани ушбу долзарб хизматнинг мамлакатимизда ҳуқуқий асоси яратилаётганидан далолатдир.

**ЎзА мухбири Лазиз РАҲМАТОВ суҳбатлашди.**

## «ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ УЛГУРЖИ БОЗОРИ» ОАЖ

**«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ фаолияти юзасидан маълумотлар ҳақида хабар**

*Хабарнинг тартиб рақами — 07*

***«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ Кузатув Кенгаши жамият акциядорларининг навбатдан ташқари мажлиси 2006 йил 21 январь соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент автомобиль халқа йўли, «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ маъмурий биносида бўлишини маълум қилади.***

**Кун тартибига қўйилган масалалар:**

*1. «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ 2006 йил 1 чораги учун даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.*

*2. Жамиятнинг автоуловлар тўхташ жойини ижарага бериш масаласини кўриб чиқиш.*

*3. Ижара ставкаларига киритилган ўзгартиришларни тасдиқлаш.*

*4. «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ томонидан «Тошкент импекс» ЁАЖ низом жамғармасига қўшган пул маблағини жамиятнинг хўжалик фаолияти харажатига киритиш.*

*5. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2003 йил 22 декабрь 876-сонли қарори ижроси билан боғлиқ масалани кўриб чиқиш.*

*Жамият акциядорларининг реестри 2006 йил 10 январь ҳолатига ёпилган.*

***Акциядорлар шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар ёки ишончнома асосида соат 10.00 гача рўйхатга олинади.***

*Қўшимча маълумотлар учун телефон: 195-96-52.*

**Кузатув кенгаши**

«Ўзбекистон темир йўллари»
давлат акциядорлик темир йўл компанияси
«ЭЙВАЛЕКМАХСУСТЕМИРБЕТОН»
очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси
Ўзбекистон халқини ва барча мўмин-мусулмонларни муборак
ИЙД АЛ-АДҲО — ҚУРБОН ҲАЙИТИ
муносабати билан самимий муборакбод этади!
Юртимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, тўкин-сочинлик, тинчлик ва хотиржамлик тилаб қоламиз.



Ушбу саховатли айём кунларида қилган барча ибодатларингизни Оллоҳ Таоло ўз даргоҳида қабул айласин.



